



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ
NAZARIYASI VA TARIXI.
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД
ТЎХТАМУРОВОВИЧ**
Қонунчилик ҳужжатлари тизимини
такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий
асослари
- 14 **МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА
АБДУРАШИДОВНА**
Роль преемственности трудов Гафура Гуляма
в развитии духовно-просветительских традиций
будущих юристов
- 21 **ISMOILOV BEKJON SALIHOVICH**
Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida
O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish
muammolari
- 31 **ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ**
Стратегическое планирование:
теоретические и методологические аспекты

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.
MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 39 **БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ**
Ўзбекистонда кўппартиявий тизимнинг
шаклланиши ва ривожланиши
- 50 **RAKHIMOV DILMURODJON
GULOMJON OGLI**
Some issues of the legal status of civil
servants in Uzbekistan

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 59 **БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ**
Искусственный интеллект: возможна ли
ответственность роботов?

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL
HUQUQI. XO‘JALIK PROTSESSUAL
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA
MEDIATSIYA

- 70 **ХАБИБУЛЛАЕВ ДАВЛАТЖОН
ЮЛЧИБОВЕВИЧ**
Фуқаролик ишлари бўйича биринчи
инстанция суди ҳужжатларини
такомиллаштириш масалалари
- 81 **ХАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД
АБДУСАИДОВИЧ**
Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якуний
босқич сифатида ихтиёрий ижро этиш
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**
Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda sun'iy
intellektning o'rni
- 95 **XUDOYNazarov DADAXON
AVAZ O'G'LI**
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror
ishtirokining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBЕК
ABDULLO O'G'LI**
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual
majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **ХАЙРУЛИНА АСАЛЬ БАХОДИРОВНА**
Возникновение и развитие альтернативных
способов разрешения споров: национальный
и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining
dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **СУБХОНОВ ШЕРАЛИ МУХАММАД УГЛИ**
Некоторые вопросы совершенствования
механизма исполнения судебных решений
о взыскании алиментов

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.
IJTIMOIY TA'MINOT HUQUQI

- 133 **ГАЗИЕВ ШАХРУХ МУРОДАЛИЕВИЧ**
Ҳарбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя:
тушунчаси ва моҳияти
- 140 **ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ**
Ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа
ходимнинг ишга қабул қилиниши, шунингдек,
ўриндошлик иши чекланганлиги сабабли
меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI
OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**

Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,
metodologik asoslari va bosqichlari

156 **ТОШПЎЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

Жиноят-хуқуқий принциплар: моҳият,
тушунча ва белгилар

166 **ALOYEV ULUG'BEK MAXMUDOVICH
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**

Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta'sir etuvchi
omillar

174 **АНОРБОВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**

Общая характеристика преступлений
против правосудия

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**

The legal and institutional regulation of tourism
in the Republic of Uzbekistan: emergence and
development

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)

190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**

Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 375.743.087(575.1)
ORCID: 0000-0001-8940-659X

ҲАРБИЙ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ: ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИАТИ

Газиёв Шахрух Муродалиевич,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
“Фуқаровий ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори,
юримдик фанлар номзоди,
e-mail: gazievshohrukh@gmail.com

Аннотация. Юриспруденция соҳасининг “Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” ихтисослигига мувофиқ ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминотнинг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Шунга қўра, ушбу мақолада Миллий гвардия тизимида ижтимоий ҳимоя мавзуси долзарб масалалардан бири эканлиги илмий асослаб берилган, унда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза лашнинг зарурати ва қонунчилиги асослари тадқиқ қилинган. Мақолада ҳарбий хизматчиларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш тушунчаси ва моҳияти илмий жиҳатдан ўрганилиб, Миллий гвардия ҳарбий хизматидаги ижтимоий ҳимоялаш айрим чора-тадбирлари назарий таҳлил этилган. Бунда ижтимоий имтиёзлар бўйича таҳлилий маълумотлар берилган. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш муаммолари тадқиқ этилган. Мақолада олимларнинг билдирган фикрлари асосида илмий мунозарага киришилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Миллий гвардия, ҳарбий хизматчи, ижтимоий ҳимоя, пенсия, қонун.

ВОЕННАЯ СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВАЯ ЗАЩИТА: ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ

Газиёв Шахрух Муродалиевич,
кандидат юридических наук,
профессор кафедры “Гражданско-правовые дисциплины”
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

Аннотация. Согласно научной специальности “Трудовое право. Право социального обеспечения” юриспруденции, военнослужащие являются одним из основных субъектов социального обеспечения. Так, данная статья посвящается научному изучению необходимости фактора социальной защиты военнослужащих, в связи с чем акцентируется актуальность данной тематики на сегодняшний день. Разработаны научные понятия и авторские гипотезы, а также сущность социальной защиты военнослужащих. Кроме того, осуществляется анализ законодательной базы некоторых индивидуальных мер по социальной поддержке военнослужащих. В частности, уделяется внимание практическим проблемам при оформлении детей военнослужащих в дошкольные образовательные учреждения. Особо обращается внимание на научную полемику с мнениями ученых-правоведов. Разработаны конкретные предложения по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: национальная гвардия, военнослужащий, социальная защита, пенсия, закон.

MILITARY SOCIAL AND LEGAL PROTECTION: CONCEPTS AND ESSENCE

Gaziev Shakhrukh Murodaliyevich,
Professor of the “Department of Civil Law”
of the University public security of the
Republic of Uzbekistan, PhD in Law

Abstract. According to the scientific specialty “Labor law. Social security law” jurisprudence military personnel are one of the main subjects of social security. So, this article is devoted to examine the scientific

study of the concept and essence of social protection of servicemen, in connection with which a theoretical analysis of the legal framework of some individual measures for social support of the military personnel of the National Guard is carried out. Specific proposals have been developed to improve the legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: National Guard, serviceman, social protection, pension, law.

Тарихан маълумки, мамлакатиз давлат мустақиллиги эълон қилинган, ҳокимият бошқарув органлари ва Қуролли Кучларини барпо этишга жадал киришилди. Мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-сиёсий, иқтисодий асослари билан бир қаторда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”, ҳарбий қасамёд, мудофаа, муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар ва фармонлар қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларга биноан Қуролли Кучлар тизимида институционал ўзгаришлар қилиниб, Мудофаа ишлари вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара қўшинлари, Миллий гвардия сингари ҳарбий ташкилотлар тузилди, ҳарбий хизмат ислоҳ қилиниб, хизматга чақирилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримов қайд қилганидек, “давлат қўшинларга барча шароитлар яратиш, уларнинг ҳаётини таъминлашнинг, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазаси мустаҳкам тизимини барпо этиш юзасидан аниқ чоралар кўриди” [1].

Масалан, 1990 йилги кузги чақириқдан бошлаб ёшларни Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилди, уларнинг ҳарбий хизматни ўташ шартлари ва хавфсизлиги, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш шартномалари тузила бошланди ва бу билан ҳарбий хизмат ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасининг тамал тоши қўйилди.

Олимларимиз қайд этганидек, ўша давр тақозоси билан “ҳаммабон” ижтимоий ҳимоя модели бўлмагани сабабли ислохотлар натижасида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш-

га ўтилди ва “ижтимоий” деган термин тўла маънода ишлади, аҳоли орасида “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий таъминот” иборалари муомалага киритилди [2].

Социолог олимларнинг таъкидлашича, кейинчалик юриспруденция, иқтисодиёт, социология йўналишдаги адабиётларда ва илмий ишларда анъанавий равишда “ижтимоий ёрдам”, “ижтимоий сиёсат”, “ижтимоий ҳимоя тизими”, “ижтимоий ҳимоянинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари”, “давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати”, “нодавлат ижтимоий ҳимояси” каби тушунчаларга илмий изоҳлар берилди, ҳуллас “ижтимоий” сўзининг маъно-мазмунини аниқлаш ҳаракатлари бошланди [3].

Масалан, М. Хожиматовнинг қайд этишича, у асли, арабча “жамъ” деган сўз ўзагидан ясалган. “Жамъ” – “кўпчилик”, “тўпланиш” деган маъноларни англатади. “Жамоа”, “жамоат”, “жамият” сўзлари ҳам бевосита “жамъ” ўзагидан ясалган. Тилшунослик нуқтаи назаридан “жамият” сўзи – от сўз туркумига кирди. Сифат яшаш учун унга одатдаги “ий” сифат ясовчи қўшимчасини қўша олмаймиз, яъни тилимизда “жамиятий” деган сўз шакли йўқ. Шу сабаб “жамият” сўзининг араб тилидаги сифат шаклини – “ижтимоий” сўзини ишлатамиз. Бу айнан “жамиятга, яъни кўпчиликка тегишли” деган маънони англатади [4].

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи соҳасининг йирик ҳуқуқшунос олимларидан профессор М. Усманова “Ижтимоий ҳимоя” тушунчасини тор ва кенг маънода талқин қилган Д. Аҳмедов, Й. Турсунов, А. Иноятов, П. Шайхатдинов, В.С. Андреев, Р. Иванова, Т. Самуэльсон, Э. Робертсон, Е. Мачульская каби МДХ мамлакатлари олимлари сингари ўз илмий ишида бу тушунчага таъриф беради. Унга кўра: “ижтимоий ҳимоя” – кенг маънода давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсади ҳамда бош йўналишидан иборат бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий конституциявий

хуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда кафолатлаш, инсон учун муносиб турмуш шароитини таъминлаш, объектив сабаблар билан ночор ва ёрдамга муҳтож инсонларга моддий ва бошқа шаклларда кўмак бериш, жамиятдаги ижтимоий адолат қарор топишига эришиш йўлида давлат ҳамда жамият томонидан изчил, мунтазам амалга ошириладиган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Муаллиф “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик мезонини белгиловчи ижтимоий хавф-хатар мезонларига, яъни “касаллик; оналик (бола тарбияси), ногиронлик, кексалик, ишсизлик, боқувчисидан жудо бўлиш, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш, ҳомиладорлик, бола туғиш” қаторига ҳарбий ёки бошқа фавқулодда ҳодисаларни ҳам киритади [5].

Профессор Д.Қ. Аҳмедов ҳам “ижтимоий ҳимоя” тушунчасини илмий жиҳатдан батафсил ўрганиб, қуйидагича: “кенг маънода бу – мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминламагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги” деб таъриф берди [6].

Муаллиф бу тушунчани таърифлаш учун инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари доирасини аниқлаб олиш керак, дейди ва ўз ишида давлат хизматчиларининг алоҳида тоифалари, яъни ҳарбийлар, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига ҳам аҳамият қаратади. Масалан, ўз таҳлиллари натижасида норматив ҳужжатларда “ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя” тушунчаси қўлланмаслиги, “ижтимоий ҳимоя” тушунчаси “ҳуқуқий ҳимоя” тушунчасини ўз ичига қамраб олмасдан алоҳида мустақил мазмунга эга эканлигини таъкидлайди.

Биз, юқоридаги олимларимизнинг энг аввало “ижтимоий ҳимоя”га бўлган қизиқиш, илм-фан ривожланиш йўлидаги хизматларига самимий ҳурмат келтирган ҳолда, дарҳақиқат “ҳарбий хизматчиларнинг ижти-

моий – ҳуқуқий ҳимояси” атамаси илмий-назарий тушунча сифатида миллий ҳуқуқшунослик фанимизда илгари ҳеч қўлланмагани, унга илмий таъриф ва тушунча берилганини қайд этишимиз жоиз.

Аммо эндиликда қонунчилигимизда “ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя” тушунчалари яқин вақтлардан киритилиб, муомалада ишлатилаётганини таъкидлаш керак. Чунонан, 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 апрель кундаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ёхуд 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунларда ҳарбий хизматчиларни (ходимларни) ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича алоҳида боблар мавжуд.

Ҳуқуқшунос олим О.М. Рогачевский фикрига кўра, “ижтимоий ҳимоя” ва “ҳуқуқий ҳимоя” ягона интеграллашган тушунча сифатида ҳарбий соҳада ягона ижтимоий институт – давлат сиёсатини англатади [7].

Агар биз аҳолининг ночор ёки муҳтож тоифасини қамраб олиб, уларга пенсия тайинлаш, нафақалар тўлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, имтиёзлар хусусида фикр юритиш билан чекланадиган бўлсак, унда бу тушунча автоматик равишда “ижтимоий таъминот” предметига айланиб, тадқиқотимиз доирасини ҳам чеклаб қўйган бўламиз.

Зеро, юридик адабиётларда “Ижтимоий таъминот деганда – фуқароларни қариганда, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотган тақдирда, боқувчисини йўқотган ҳолларда, шунингдек, болали оилаларни моддий жиҳатдан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш давлат тизимидир” дея таъриф берилган [8]. Ушбу таъриф Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддасига асосланган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам “Ижтимоий таъминот” тушунчасига “Кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимо-

ий-иқтисодий чора-тадбирлар тизими” дея таъриф келтирилади [9].

Бизнинг назаримизда “ижтимоий ҳимоя” серқирра тушунча бўлиб, ижтимоий ҳимояга оид муносабатлар доираси ҳам ниҳоятда кенг. Давлат ижтимоий ҳимоясининг асосий акценти бериладиган муайян тоифага назар ташлаб (масалан, ёшлар, қариялар, ногиронлар, ишсиз шахслар ёки кам таъминланган оилалар), марказий субъектлар доираси билан чегараланиш натижасида кўпинча аҳолининг заиф ёки кўмакка муҳтож тоифасини қўллаб-қувватлаш тизими деган жузъий фикр шаклланиб қолган.

Биз давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати ҳақида фикр юрита туриб, анъанавий равишда социал соҳага диққатимизни жамлаймиз. Лекин аслида бошқа ижтимоий муаммолар, масалан, экологик ёки хавфсизлик соҳаларидаги муаммолар ҳам “ижтимоий” масала эканини баъзан унутиб қўямиз.

Шу нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳарбий ижтимоий ҳимоя ҳам кам аҳамиятли масала эмас. Зеро, Республика суверенитети ва аҳолисини ҳар қандай тажовуз ёки бошқа хил оғир оқибатлардан ҳимоя қилиш муқаддас бурчи ҳисобланган ҳарбий хизмат замон ва макон танламасдан, Республиканинг ҳудудининг исталган нуқтасида, шу жумладан, оғир табиий иқлим шароитларида кечишини инobatга олсак, ҳарбий хизмат – хизматга жалб қилинганларнинг дунёқарашида мустаҳкам эътиқотга айланишини таъминлаш учун бевоcита ҳарбий хизматчиларни ўзининг ижтимоий ҳимоясини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш лозим.

Соғлиғи ҳолати бўйича, ногиронлиги ёки бошқа хил касалланиши сабабли ҳарбий хизматдан бўшагандаги тушкунлик, хизмат давомида ҳарбий хизматчилар манфаатларига оид қонунчилик баъзида таъминланмаслиги, ҳуқуқий ҳимоя заифлиги, психологик депресс каби бошқа ҳолатлар ҳарбий хизматчи ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш кераклигини кўрсатади.

Экологик, техноген фалокат, радиациявий хавф юқори шароитда хизмат қилганда, жанговар топшириқни ижро этишда ҳарбий хизматчининг ўз ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан ҳимояланганлигини ҳис этиши, ота-онаси, оиласи ва фарзандлари ижтимоий ҳимояси

таъминланганлигини туюши психологик жиҳатдан муҳим саналади. Масалан, психолог А.Никоноров ҳарбий хизматчилар хизмат мотивациясини оширишда “давлатни муҳофаза-лаш, жамиятга фойдаси тегиш” каби касбий фазилатлар қаторида уй-жой ва пул таъминоти муҳим омиллар эканлигини таъкидлайди [10]. Тарихшунос олимлар эса ўз илмий ишларида жанговар ҳаракатлар иштирокчиси бўлган ҳарбийларни қўллаб-қувватлаш бежизга азалдан ижтимоий муҳофазалашнинг асосий йўналишларидан бўлмаган, дея таъкидлашади [11].

Бизда ҳарбий хизмат – фуқароларнинг бурчи ва мажбурияти деган қарашларни тубдан ўзгартириб, эндиликда ёшларимизни Ватан хизматига ихтиёрий келишини кенг рағбатлантириш, шунингдек, ҳарбий хизматни профессионал ва шарафли касб сифатида кейинчалик ҳарбий хизматда қолишга бўлган иштиёқини ошириш мақсадида ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини, меъёр ва қоидаларини ягона ташкилий-ҳуқуқий норма ва фанда илмий тушунча сифатида “ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя” деб талқин этдик.

Ўзбекистонда “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” йўналишида мавжуд юридик адабиётлар, дарслик ва қўлланмаларда ҳарбий хизматчиларимиз ижтимоий ҳимояга оид муносабатлар субъекти сифатида талқин этилади [12].

Бу йўналишдаги тадқиқотлар миллий ҳуқуқшунослик фанимизга улкан ҳисса қўшган олимларимиздан асосан А. Иноятов, Д. Аҳмедов, М. Усманова, Й. Турсунов, Ш. Исмоилов, Г. Саттарова, Д. Атажанова, Г. Муродова, М. Зиядуллаевлар томонидан амалга оширилган.

Аммо, “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” соҳасидаги ўқув адабиётларида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича алоҳида тамойиллар, мавзуй режалар алоҳида ажратиб кўрсатилмайди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминотнинг махсус субъекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларига, Қуролли Кучлар таркибидаги вазирлик ва идораларнинг тегишли масъул ижтимоий таъминот бўлимлари фаолиятига аналитик таҳлил қаратилмаганлиги, умуман олганда бу каби масалалар асосан очикланмаётгани боис диққат қаратилмасдан келингандек гўё.

Даврий илмий нашрлар таҳлили мақолалар асосан ҳарбий хизматдаги олимлар, тадқиқотчи ва амалиётчилар томонидан эълон қилинаётганидан гувоҳлик беради.

Гарчи, ҳар кун дуч келинадиган ижтимоий масалалар амалиётда ҳарбий хизматчилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган бўлсада, на юриспруденциянинг “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” ва на “Ҳарбий ҳуқуқ” назарияси ҳамда йўналишидаги илмий тадқиқот ишларида мавзуга оид муаммолар етарлича ўрганилмаган, умуман “теша тегмаган” мавзулар кўп.

“Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” ҳамда “Ҳарбий ҳуқуқ” фанлари ўртасида узвийлик ва алоқадорлик жиҳатлари йиллар давомида ўрганилмаганлиги боис “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи”га оид дарслик ва қўлланмаларда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти етарлича ёритилмаган. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари ҳуқуқни қўллаш амалиётига қаттиқ таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуш ва хизмат фаолиятида учраётган ижтимоий ҳимоялаш масалаларига илмий асосланган ишланмалар ва ечимлар бериш докторант ва тадқиқотчилар эътиборидан ҳам кўпинча четда қолган.

Ваҳолангки, социал таъминот бўйича умумий тартиб-тамойиллар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳарбий хизматчиларга оид махсус ижтимоий ёрдам ва муайян имтиёзлар назарда тутилган.

Ижтимоий таъминотга оид қонунчиликда ҳарбий хизматчилар баъзан “махсус контингент”, “алоҳида имтиёзга эга бўлган шахслар” тушунчалари остида таъминот ва имтиёзларнинг у ёки бу туридан фойдаланиб келишади.

Масалан, МДХ давлатлари олимлари Н.А. Серебрякова, М.В. Воронцева ва В.Е. Макаровалар ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминот турларини асосий 4 та тоифага ажратишади: пенсия, уй-жой (доимий, вақтинча), пул-моддий таъминоти (меҳнатга ҳақ тўлаш, компенсация, имтиёз) ва соғлиқни сақлаш (мажбурий ва тиббий суғурта) [13].

Ижтимоий таъминот бўйича олима, профессор Н.В. Антипова ҳам юқоридаги рўйхатни умумий 4 та тоифага ажратади: ижтимоий суғурта, давлат ижтимоий таъминоти, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизмат. Муаллиф ҳар-

бий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш масаласини ижтимоий таъминот элементи эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабат характериға эга, деб ҳисоблайди ва рўйхатга қўшмайди [14].

Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимоясига оид миллий қонунчиликнинг мустақиллиги йилларида ривожланишини қиёсий-ҳуқуқий таҳлили юқоридаги рўйхатни кенгайтириш имкони борлигини кўрсатади. Бинобарин, ҳарбий моддий таъминотдан ташқари ижтимоий соҳа қонунчилигида ҳарбий контингентга муайян имтиёзлар берилган.

Ҳарбий ҳуқуқ соҳасидаги олимлар ҳам қонунчиликда ҳарбий хизматчилар ҳам муайян ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар борлигини қайд этишади [15]. Масалан, транспорт, солиқ ва коммунал хизмат, кредит-молия, таълим, бандлик сингари ижтимоий соҳаларида махсус контингентга муайян имкониятлар мавжуд.

Кўпгина олимларимиз ижтимоий таъминотга оид қонунчилик ҳужжатларида таъминот ҳар хил шаклларда, хусусан, пенсиялар, нафақалар, бир марталик моддий ёрдамлар, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, муайян имтиёзлар ва енгилликлар кўринишида амалга оширилишини, қайси шаклда амалга оширилиши масаласи эса аниқ шарт-шароитлар ҳисобга олингани ҳолда қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилишини қайд этишади [16].

Дарҳақиқат, ҳарбий қонунчилик асосларида қоидага биноан контракт бўйича ҳарбий хизматчилар фарзандларининг яшаш жойи, шу жумладан, вақтинчалик яшаш жойи бўйича мактабгача таълим муассасаларига ва ўрта-махсус таълим муассасаларига, шунингдек, болаларни соғломлаштириш лагерларига навбатсиз қабул қилиниши бўйича имтимоий имтиёзлар белгиланган [17].

Энди эътибор тортадиган жиҳати шундаки, бундай ижтимоий имтиёзлар алоҳида қонун ҳужжатларида белгиланганлиги боис, ҳарбий хизматчилар улардан аксарият ҳолларда беҳабар қолишади. Масалан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида нодавлат мактабгача таълим хизматини кўрсатиш истагини билдирган хусусий шерик давлат шеригига тегишли ариза билан мурожаат қилиб, шу мақсадда давлат биноси ёки ер участкасини олиб,

тадбиркорлик фаолиятини режа-сметасини тайёрлаганида, махсус контингент, яъни ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг болалари учун имтиёзли нархларни (худди давлат мактабгача таълим муассасаларида бўлгани сингари умумий преysкуронт доирасида) таклиф этишлари, улар учун 15 фоиз миқдорда квотани 30 йил давомида сақлаб туришлари талаб қилинади. Ва болалар ҳам имтиёз билан устуворлик асосида қабул қилинишлари лозимлиги белгиланган [18].

Ҳуқуқий кафолат белгилангани билан амалиётда биринчидан бундай лойиҳалар асосида ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасалари рўйхати очиқланмаганлигидан, иккинчидан болаларни боғчага жойлаштириш механизмнинг ўзида ҳуқуқий, ташкилий характердаги муаммолар борлиги сабабли имтиёздан тўлиқ фойдаланишнинг иложи бўлмапти.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сонли қарори билан тасдиқланган “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”да нафақат контракт бўйича ҳарбий хизматчилар, балки барча ҳарбий хизматчиларнинг болалари давлат мактабгача таълим муассасаларига рўйхатига имтиёзли киритилиши назарда тутилган бўлса, “Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”да эса бунақа имтиёзнинг ўзи умуман кўрсатилмаган [19].

Шу сабабли амалиётда Давлат хизматлари маркази ходимлари амалиётда бу имтиёзни қўллашда муаммога дуч келганидан уни инobatга олмаяпти, давлат хизмати кўрсатишнинг дастурий таъминотида бунақа имтиёзликлар назарда тутилмаган. Оқибатда, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришдаги турнақатор навбатлар натижасида ёш болаларни боғчага жойлаш имкони бўлмапти.

Бундан ташқари айрим туман ва шаҳарларимизда мактабгача таълим инфратузилмаси яхши ривожланмагани ва жой танқислиги муаммолари борлиги учун ҳарбий хизматчи фарзанд-

ларини умуман жойлаштириш имконининг ўзи йўқ (масалан, Сурхондарё вилояти Бойсун, Узун, Сариосиё туманлари мисолида) [20].

Ваҳолангки, Президент Ш. Мирзиёев 2021 йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак, деб таъкидлаяпти. Бу ишларга бюджетдан 600 млрд сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилиши режалаштирилган [21].

Ҳуқуқшунос олим М. Ғуломов қайд этганидек, кўпчилик фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қай тартибда ва қайси идора орқали амалга оширишни тўлиқ билишмайди. Билганлари ҳам рад жавоби олганда, суд даражасигача низолашиш тартибидан, яъни ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, қайси идорага, қай тартибда шикоят қилишдан беҳабар [22].

Бизнинг фикримизча, амалий муаммоларнинг ўзаги қонунчиликдаги ташкилий-ҳуқуқий масалалар ечимини тўғри ҳал қилишдан бошланади. Қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида илмий тадқиқотлар ва изланишлар амалга ошириш эса айна мақсадга мувофиқ вазифа ҳисобланади. Бу ишни, энг аввало, ҳарбий ижтимоий таъминот йўналишидаги илмий тадқиқотларнинг ихтисослик шифрига аниқлик киритишдан бошлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, 12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи, Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ихтисослиги бўйича ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоя субъекти тариқасида кўрилсада, уларга тегишли айрим ҳужжатлар хизмат доирасида фойдаланилиши боисидан чекланган ва шу боис 21.02.03 – Ҳарбий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқнинг ҳарбий муаммолари ихтисослиги бўйича тадқиқ этишга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификаторида ҳам ҳарбий ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминоти “06.00.00.00 – Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунчилик” бўлимида ҳамда бир вақтнинг ўзида “15.00.00.00 – Мудофаа” бўлимларида қайта-қайта такролан келтирилган [23]. Мазкур ҳолат ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясига оид ҳуқуқ институти нормалари қонунчилик тармоғида ҳамда илмий тадқиқотлар йўналишида бир ти-

зимга солинмаганини кўрсатади ва ихтисослик шифрини танлашда, норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштиришда баҳсли масалаларни юзага келтириши табиий.

Хулоса ўрнида, Адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида”ги №53-мх-сон буйруғига ўзгартириш киритиб, “06.06.08.00 Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти” реестрини

“15.17.08.00 – Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти” деб ўзгартириш ҳамда рўйхатга “15.17.09.00 – Ҳарбий хизматчилар давлат мажбурий шахсий суғуртаси”ни янги реестр тариқасида киритишни тақлиф этамиз.

Бу билан илм-фанда ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимоясига оид илмий тадқиқот ишлар шифрларига аниқлик киритамиз ва шу билан ҳарбий докторант ва мустақил изланувчиларга тўғри йўналишлар берамиз.

REFERENCES

1. Karimov I.A. Bunyodkorlik yo'lidan. 3-tom. Tashekent, O'zbekiston, 1996, p. 20.
2. Usmanova M.A. O'zbekiston Respublikasida ijtimoiy himoyani tashkil etishning fuqarolik-huquqiy muammolari: yurid. fan. d-ri. dis. Tashkent, TDYI, 2006, p. 72.
3. Bo'rieva M. O'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti. Tashkent, TDYI, 2011, p. 123.
4. Xojimatov M. Ijtimoiy himoya yili: mazmun va mohiyati. Tashkent, A.Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007, p. 20.
5. Saidov A.X. Prava cheloveka. (Sbornik mejdunarodnux dogovorov i Zakonov Respubliki Uzbekistan). Tom 1. Tashkent, Sharq, 1995, p. 10.
6. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 4-jild. Tashkent, O'zME Davlat ilmiy nashriyoti, 2002, p. 90.
7. Rogachevskiy O.M. Sotsialno-pravovaya zaùita voennoslujauix pograničnux organov i pograničnux voysk Federalnoy slujbu bezopasnosti i chlenov ix semey: avtoref...diss. kand. yurid. nauk. Moskva, 2005, p.11.
8. O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy ta'minot huquqi. Darslik. Mas'ul muharrir A.Inoyatov. Tashkent, TDYI, 2005, p. 18.
9. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 4-jild. Tashkent, O'zME Davlat ilmiy nashriyoti, 2002, p. 87.
10. Nikonorov A.A. Razvitie motivatsii ofitserov k slujebno-boevoy deyatelnosti v chastyax voysk Natsionalnoy gvardii Rossiyskoy Federatsii: atoref...diss. ped. nauk. Moskva, 2020, p.4.
11. Gladkix I.P. Sotsialnaya zaùita voennoslujauix suxoputnux voysk Voorujennux sil Rossii v 1992-2004 gg. (istoricheskoe issledovanie): avtoref. diss...kand. ist.nauk. Moskva, 2007, p.7.
12. Ahmedov D.Q. Bozor munosabatlari sharoitida davlat itimoiy himoya siyosatining huquqiy jihatlari. – Tashkent, TDYI, 2006, p. 208.
13. Serebryakova N.A. Sovershenstvovanie sistemû sotsialnoy zaùitû voennoslujauix: avtoref...diss.kand. ekon. nauk. Saratov, 2009, p.13.
14. Antipeva N.V. Sotsialnoe obespechenie voennoslujauix: problemû pravovogo regulirovaniya: avtoref. diss. dok-ra.yurid.nauk. Sankt-peterburg, 2010, p. 3.
15. Koryakin V.M. Pravovoe obespechenie voenno-sotsialnoy politiki Rossiyskoy Federatsii. Monografiya. – Moskva, 2006, p. 20.
16. O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy ta'minot huquqi. Darslik. Mas'ul muharrir A.Inoyatov. Tashkent, TDYI, 2005, p. 38.
17. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 12-sentyabrdagi “O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o'tash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi PQ-4447-son qarori. “O'zbekiston respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi”, 2019-yil.
18. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-apreldagi PQ-3651-sonli qarori bilan tasdiqlangan “Maktabgacha ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklik to'g'risida”gi nizom. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. www.lex.uz.
19. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 28-martdagi “Bolalarni davlat maktabgacha ta'lim muassasalariga qabul qilish bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamentini tasdiqlash to'g'risida”gi 244-son qarori. “O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami”, 2018-yil, 13-son, 248-modda.
20. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasining topshirig'iga asosan Harbiy-texnik instituti ishchi guruhi tarkibida 2020-yil 4–14-fevral kunlari Surxondaryo viloyatini o'rganish bo'yicha tashkil etilgan xizmat safari materiallaridan.
21. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy majlisga murojaatnomasi. 2020-yil 29-dekabr.// Xalq so'zi, 2020-yil 30-dekabr.
22. G'ulomov M. Mahalla – fuqarolik jamiyatining asosi. – T.: Adolat, 2003. – 124 b.